O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1998 йил, 17 ноябр | 38 (168)-сон


## АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН



***Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашларининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессияларида муҳокама этилган масалалар кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Шу муносабат билан Президент Ислом Каримовга Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси Абдусаид Кўчимов бир неча савол билан мурожаат қилди.***

***Йўлбошчимиз саволларга жавоб қайтарар экан, мазкур йиғилишларда кўтарилган муҳим маънавий-ахлоқий, сиёсий-ижтимоий муаммолар ҳақида батафсил фикр билдирди.***

***Қуйида шу суҳбат матни эълон қилинмоқда.***

**САВОЛ:** Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, куни кеча Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессиялари бўлиб ўтди. Жамоатчилигимиз бу анжуманларда муҳокама этилган масалалардан оммавий ахборот воситалари орқали етарлича маълумот олди, одамлар ўз муносабатларини ҳам билдирмоқдалар. Шу билан бирга, ҳар икки сессияда Сизнинг чиқишингизни кузатар эканмиз, айниқса "юрагимни бўшатишни истардим-у, майли..." деган сўзларингизни эшитганда, журналист сифатида ватандошларимизга яна айтмоқчи бўлган қатор фикрларингиз борлигини сезгандек бўлдим...

**ЖАВОБ**: Ҳақиқатан, халқимиз гувоҳ бўлганидек, ҳар икки сессия ҳам кескин, танқидий руҳда ўтди. Мазкур вилоятларнинг раҳбар доираларида вужудга келган носоғлом муҳит ҳақида аччиқ, аммо ҳаққоний сўзлар айтилди. Бундай номақбул одат тусига кириб қолаётган ачинарли ҳолатлар бугунги ҳаётимиздаги ижтимоий муҳитнинг бузилишига ва аҳолининг адолатга бўлган ишончининг йўқолишига сабаб бўлмоқда. Бу фикрлар аслида амал курсисидан кетаётган кимсалар учун эмас, шу вилоятларда яшаётган меҳнаткаш, адолатга ташна инсонлар, ҳаётга эндигина кириб келаётган ёшлар учун, миллатимиз, халқимизнинг эртанги куни ҳақида қайғуриб айтилди, десак, хато бўлмайди.

Шу йиғилишларда тилга олинган маънавий-ахлоқий, сиёсий-ижтимоий муаммоларнинг баъзи бир жиҳатларини қисқача изоҳлаб ўтиш зарур, деб ҳисоблайман. Чунки улар бизнинг бугунги ҳаётимиз, олға қараб қилаётган ҳаракатларимиз билан чамбарчас боғлиқ.

Умрим давомида орттирган озми-кўпми ҳаётий тажрибаларим асосида шундай хулосага келдимки, дунёда инсон иродасини синайдиган воситалар кўп. Аммо уларнинг бирортаси ҳам амал, лавозим, мансаб каби одамзотнинг кимлигини, унинг қиёфаси ва моҳиятини яққол очиб бера олмайди.

Шу хусусда кўп ўйлайман. Мансаб деганлари қандай сирли, бетизгин куч эканки, нега у манаман деган, ақлли-ҳушли, оқ-қорани таниган, туппа-тузук инсонларнинг эл-юрт, давлат ишониб топширган ваколатларини суиистеъмол қилишига, инсофини йўқотишига олиб келади, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, порахўрлик, калондимоғлик каби иллатлар домига тортади? Бунинг сабаблари нимада? Бу ярамас иллат қаердан, қандай пайдо бўлади? Бу хунук, аянчли аҳволни қандай қилиб бартараф этиш, жамият танасига канадай ёпишган бу балодан қай тариқа халос бўлиш мумкин?

Бу касаллик илдизи хонлар, беклар, қозилар, мингбоши-ю юзбошилар ҳукм сурган олис замонларга бориб тақалади. Балки халқ эртакларидаги порахўр амалдорлар, Абдулла Қодирий тасвирлаган ришватга ботган хон мансабдорлари ёки бўлмаса Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур "Ўғри" ҳикоясида қаламга олинган воқеалар фақатгина бадиий тўқима маҳсули эмасдир?..

Айни чоғда тарихимизнинг турли саҳифаларини кўздан кечирганда, халқимиз маънавияти билан боғлиқ шундай маълумотларга дуч келасизки, улар ҳалоллик, ҳаромдан ҳазар, таъмагирликдан нафратланиш, камтарлик, адолатпарварлик сингари туйғулар миллатимизга хос энг олижаноб фазилатлар эканидан далолат беради. "Бировнинг ҳақи", "қиёмат қарз", "пешона тери", "молимардумхўр" деган сўзлар бунинг яққол ифодасидир.

Биргина мисол.

Маълумки, Бобур Мирзонинг отаси Умаршайх Мирзо темурий ҳукмдорлардан бири эди. Бобур ўз хотираларида отасининг нақадар адолатли ва ҳалол одам бўлганини кўрсатувчи шундай маълумотни келтириб ўтади. Қай бир йили Хитойдан Фарғонага келаётган минг кишилик карвон Ўш тоғларида қор кўчкини остида қолиб ҳалок бўлади. Умаршайх Мирзо дарҳол одамларини юбориб, карвоннинг юкларини назорат остига олдиради. Эгалари ҳалок бўлган шу молларни икки йилдан зиёд эҳтиётлаб сақлайди. Хуросон ва Самарқандга махсус одам юбориб, карвон эгаларининг меросхўрларини дараклатиб топтиради ва уларни ўз мамлакатига чақиртириб, молларни тўлалигича қўлларига топширади.

Бундай мисолларни ўтмишдаги оддий одамлар ҳаётидан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Худога минг шукурки, ҳозир ҳам ҳаётимизда шу эзгу тушунчалар барқарор ва устувор. Шунинг учун ҳам биз йўлимизда тўсиқ бўлиб турган, халқимизнинг, фуқароларимизнинг ҳақли равишда норозилиги ва қаҳр-ғазабига сабаб бўлаётган баъзи бемаъни ишларни таг-томири билан йўқотиш ҳақида очиқ, ошкора гапиряпмиз.

**Давоми иккинчи бетда**

*Очиқ мулоқотлар*

## ЙЎЛДА КАРВОНИНГ БЎЛСА...

Мамлакатимизнинг савдо алоқалари — йўллари жаҳон бўйлаб қанча томирланиб борар экан, унинг иқтисодиёти ҳам шунча қувват тортиб, тўлғинлашиб бораверади. Дунё тараф даричалар очилди, юрт дарвозаларидан карвонларни кузатмоқдамиз, кутиб олмоқдамиз. Ташқи савдони амалга ошириш энди нафақат республикамиз, балки юртимиздаги бу хил савдога маҳсулоти лойиқ бўлган ҳар бир катта-кичик корхона ёки тижорат ишига лаёқатли барча ишбилармонларнинг қонуний ҳуқуқига айланган замонлар келди. Яна қадим «Ипак йўллари» равон очилди. Бунинг илк ҳуқуқий кафолати 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги (ТИАВ) нинг ташкил қилинганлиги билан намоён бўлди. Бир пайтлар биқиқ иқтисодий шароит туфайли одамлар «кўриб кўзи қамашадиган, ҳавас қиладиган», бунинг устига тақчил маҳсулотларни энди ўз юртимиздан хориж ўлкаларига экспорт қила олиш — дунёнинг ҳавасини келтириш имкониятида турибмиз.

— Бизнинг республикамиз айни пайтда дунёдаги 120 дан зиёд давлат билан иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган, — деди Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг журналистлар билан бўлган очиқ мулоқотида вазир Э. М. Ғаниев. — Табиийки, ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти унинг жаҳон бозоридаги ўрни, аниқроқ қилиб айтганда, у экспорт қилаётган маҳсулотларнинг сони ва салмоғи билан белгиланади. Биз импорт ва экспорт орасидаги фаркни йилдан-йилга катта миқдорда ўзгартириш — экспорт ҳажмини оширишни кўзлаб иш тутмоқдамиз. Бунга аввало импорт ўрнини қоплайдиган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш орқали эришиш мумкинлигини англаган ҳолда бир неча истиқболли йўналишларда ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Дейлик, хорижий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш яхши самара бераётир. Зеро, импорт ўрнини қоплайдиган маҳсулотлар билан аҳолини таъминлай билиш кейинчалик шундай маҳсулотларни хорижга ҳам экспорт қилишга йўл очади, замин ҳозирлайди. Бунда кичик ва ўрта корхоналар, фермер хўжаликлари фаолиятларини ривожлантириш, ўз маҳсулотларини экспорт қилишда уларга ёрдам бериш катта аҳамиятга эга. Умуман олганда, айни кунга келиб 200 дан ортиқ турдаги маҳсулот Ўзбекистондан хориж ўлкаларига экспорт қилинмоқда. Йилдан-йилга импорт ҳажмининг қисқариб, экспорт ортиб бораётганлиги қувонарлидир, бу йил ўтган йилгига нисбатан четдан маҳсулот сотиб олиш икки марта камайди. Аҳоли учун энг зарур бўлган маҳсулотлар мустақиллигига эришиш учун мамлакатимизда кўплаб янги заводлар, корхоналар ташкил қилинмоқда, Хоразмдаги шакар заводининг ишга туширилиши ана шундай эзгу қадамлардан биридир. Мустақиллик йилларида амалга оширилган ва яна олдинда кўзланган кенг кўламли тадбирларга асосланиб айтиш мумкинки, яқин келажакда **ЎЗБЕКИСТОН ЭКСПОРТ МИНТАҚАСИГА АЙЛАНАДИ!**

Ривожланган давлатларнинг янги технологиялари ҳамда хориж сармояларини иқтисодиётимизга олиб кириш ва уларни мақсадли сарфлаш устида жиддий ишлар олиб борилаётир. Хориж инвестициялари иштирокида ташкил қилиниб, фаолиятини бошлаган корхоналарнинг сони 3 мингдан ошди.

Ҳурматли вазир Элёр Мажидович Ғаниев айни шу борадаги муаммолар хусусида ҳам тўхталди, яъни қўшма корхоналарнинг 35-40 фоизи ҳозирда ишламаётганлигини таъкидлади, бу ҳолатларнинг туб сабаб — моҳиятларини кўрсатиб, улар махсус назорат остига олинганлигини қайд қилиб ўтди.

Ўзбекистон Миллий матбуот маркази томонидан уюштирилган ушбу қизиқарли мулоқотда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар, ўзаро фикрлашдилар.

**Д. МАТКАРИМОВА**

## БУГУН МАТБУОТГА ҚАРАШ ҚАНДАЙ?

Янги давр матбуоти тарқатаётган янгиликларни хонадонларга, зукко ўқувчиларга етказиб беришда, қолаверса матбуот нашрлари обунасини тарғиб-ташвиқ қилишда почта хизмати ҳам алоҳида ўрин тутади. Шу масала юзасидан Сурхондарё вилоят «Сурхондарё почта»си акциядорлик жамияти бош директори Маҳмуд Муҳаммадиевга мурожаат қилдик.

М. Муҳаммадиевнинг таъкидлашига кўра, вилоят ҳокимияти биносида махсус обуна штаби ташкил этилиб, бу вазифа вилоят ҳокимининг муовини М. Абдуллаев зиммасига юклатилган экан. Бугунги кунда вилоятнинг ҳар бир туманида 11 кишидан иборат гуруҳлар тузилиб, қишлоқма-қишлоқ юриб обуна ишлари давом эттирилаётганлиги қувончлидир. Шу жумладан, Термиз шаҳридаги «Юбилей» деҳқон бозорида, шунингдек, Денов туман марказий бозорида масъул шахслар очиқ майдонда ўтириб кишиларни обунага даъват этаётир. Бир қарашда, бу усул бироз мужмал туюлса-да, ҳақиқатда обуначилар сонининг ошувида ўз самарасини бермоқда.

Бугун Сурхондарёдаги ташкилот раҳбарларидан ҳар иккисидан бири обуна ишларига ташаббускор ва бош-қош бўлмоқда. Худди шундай обуна штаби Сурхондарё вилояти марказий шифохонасида бош ҳаким Нодирхон Абдуллаев ҳамда вилоят почта акциядорлик жамияти бош директори Маҳмуд Муҳаммадиевларнинг ташаббуси билан фаолият кўрсатаётир.

— Бугунги кунда вилоятимизда мавжуд 234 та алоқа бўлимлари обуна билан шуғулланмоқда. Ҳатто бу масала вилоят ҳокимлиги томонидан режалар асосида тасдиқланиб, барча туманларга жўнатилди.

Бу йил обуналар сонини ўтган йилларга нисбатан бир ярим бароборга кўпайтирмоқчимиз. Шунингдек, имтиёзли равишда, оиласида 2 нафар ногирон бўлса 50 фоизга, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга 30 фоизга арзон баҳода обуналар амалга оширилади. Яна бир янгилик: бу йил обуна танлов асосида ўтади. Ҳар бир газета обунаси бўйича махсус кафолатлар жорий қилинганлигини айтиб ўтиш жоиздир. Масалан, дейлик, якка тартибда кўп обуна қилдирган кишиларга рангли телевизор, радио, магнитафон, видеомагнитафон ва бошқа хил қимматбаҳо совғалар тақдимоти кўзда тутилмоқда. Айниқса, вилоят нашрларига энг яхши обуна уюштирган кишига мукофот учун енгил автомашина берилиши масаласи кўрилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда «Сурхондарё почта» акциядорлар жамияти бош директори М. Муҳаммадиев.

Матбуот нашрларига обуна ҳар йили ҳам оғир кечади. Бунга асосий сабаб, обуна нархларининг йил сайин ошиб бораётганлигидир. Ахир зўрмазўракилик билан, ҳеч қандай зарурат бўлмаган тақдирда ҳам чиқиб турган газета ва ойномалар республикамизда йўқ эмас. Марказий газеталар эса қиммат. Шунга қарамай, ўтган йили Сурхондарё вилояти бўйича «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози» газеталари ва «Саодат» ойномасига кўп миқдорда обуна бўлинган.

Вилоят бошқармаси обуна пулларини ўз вақтида почта ҳисоб рақамига ўтказиб бермаётир. Бу эса амалий ишларга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Яна бир гап, матбуот нашрларидан четда қолаётган ташкилотлар ҳам йўқ эмас. Кўп ҳолларда шахсий ва кичик корхоналар ҳеч бир нашрга обуна бўлишмаётир. Агар борди-ю, хусусий тижорат билан шуғулланувчи шахс ҳеч қандай газета-ойнома ўқимаса, у қандай қилиб чиқарилаётган қонунлардан, давлатимиз юргизаётган халқчил сиёсатдан воқиф бўла олади. Ахир тижоратчилар илгариги замонларда ҳам у мамлакатдан бу мамлакатга янгиликларни, кашфиётларни, инсониятнинг илмфанда эришган ютуқларини олиб кирувчилар бўлиб хизмат қилишмаганми?

Мамлакатимиз раҳбари И. Каримов яқинда Фарғонада буюк аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик тўйи муносабати билан бўлиб ўтган тантанада телевидение ходимларига берган интервюсида, «инсонга нафақат моддий қудрат, балки маънавий қудрат жуда ҳам керак, негаки, маънан қудратли, ақлзаковатли халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди» — деганларида қанчалар ҳақ эди. Шубҳасиз, матбуот ҳам шундай вазифани ўтайди. Матбуот — бу холис халқ минбаридир. Хоҳланг, сиз ҳам ўша минбардан туриб ўз фикрингизни айтинг.

**Холмуҳаммад ТОҒАЙМУРОД,**
**«МТ»нинг вилоят сайёр мухбири**
**Сурхондарё**

**Қадрли ўқувчи!**
**«Миллий тикланиш» газетасига 1999 йил учун обуна қилиш давом этмоқда.**
**«МТ»га барча алоқа бўлимларида ёзилиш мумкин.**
**Келинг, бирга тикланайлик!**

*Бир ўқ атрофида айланар жаҳон*

### БМТ ИНСПЕКТОРЛАРИ ИРОҚДА ИШ БОШЛАЙДИЛАР

● Бугун БМТ инспекторлари Ироқда яна ўз ишларини бошлаб юборадилар. Бағдод БМТ Махсус комиссияси билан ҳамкорлик қилишдан воз кечгандан сўнг Ироқдан кўчиб кетган БМТ ходимлари ҳам яна ўз иш жойларига қайтадилар. БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўз ходимларига Ироққа қайтишга ижозат берди. Энди Ироқ ҳукумати халқаро ташкилот ҳузурида ўз бўйнига олган барча яхши ниятларини тўла адо этмоғи керак. Ироқнинг БМТ Махсус комиссияси билан ҳамкорлиги қатъият билан назорат қилиб борилади.

### САЛМОН РАДУЕВ ШАРИАТ СУДИ ҲУКМИДАН ҚОЧИБ ЮРИБДИ

● Чечен республикаси ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари Салмон Радуевни ушлаб қамаш чораларини кўраяптилар. Лекин Радуев ҳукмни бажаришдан қочиб юрибди. Шариат хавфсизлиги хизмати Салмондан суд ҳукмига бўйсунишни қатъий талаб этяпти. Олий шариат судининг раиси Бекхон Хосухонов суд ҳукми қатъий ва қайта кўрилмайди, деб айтган. Юксак малакага эга 7 судя бир ярим ой давомида Радуев ишини ҳар томонлама ўрганиб чиқдилар. Олий шариат суди раисининг айтишича, еттовлон судя ҳам Радуевнинг урушда кўрсатган хизматларини ҳисобга олиб, уни ўн йилга эмас, тўрт йилга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм чиқардилар.

### ГЕРМАНИЯ ҲОЗИР БИТТА ҲАМ МУҲОЖИРНИ ҚАБУЛ ҚИЛОЛМАЙДИ

● Германия ички ишлар вазири Отто Шили Германия ҳозир битта ҳам муҳожир қабул қилиш имкониятига эга эмас деб айтди. Германия муҳожирлик ҳақидаги қонунларни ислоҳ қилишга муҳтож. Бу янги таҳрирдаги қонунлар кучга кирган тақдирда ҳам, муҳожирлар билан шуғулланувчи комиссия яқин йиллар ичида четдан янги кишиларни қабул қилишни тўхтатиб туришга мажбур. Ҳозирда Германияда фуқароликка ўтмаган 7 миллиондан ортиқ муҳожир яшаб келяпти. Бу Европа Иттифоқи билан биргаликда ҳал қилинадиган масалаларга киради.

**«Ўзинфо» хабарлари асосида «МТ» учун тайёрланди**

*Адолат дастурлари*

## ҚАНОТИДА БАҲОРИ БОР ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Яқинда танишларимиздан бири шундай деб қолди: «Сиз — журналистлар элеватор оғзидаги қушларга ўхшайсизлар. Президентимиз гапирган гапни тезда илиб оласизлар, турли тарафларда чуғурлашни бошлайсизлар». Аввалига бу гап эриш туюлди, сўнг ўйланиб қолдим. Ростдан ҳам, биз нега йўлбошчимиз фармонлари ёки бирор ҳодиса муносабати билан сўзлаган нутқларини ўз ҳаётимиздаги жуда муҳим воқеадай қабул қиламиз. Президентимиздан иқтибос келтириб, унга мурожаат этиб сўзлашни ёқтирамиз. Бу тасодифми ёки одатми? Менимча, иккаласи ҳам эмас. Гап шундаки, ўша давлат ҳаёти учун зарур фармонларда, ўша нутқларда биз зор бўлган, лекин минг бир сабабга кўра, айта олмаётган, баъзан айтсак ҳам овозимиз деворлар ичида қолиб кетаётган халқ дардига малҳам бўладиган фикрлар айтилади. Шунинг учун биз зиёлилар ўша гапларга ҳаммадан олдинроқ оҳанграбодай тортиламиз.

Биз «Саодат» журналининг бир гуруҳ ходимлари яқинда Фарғона вилоятига дастлаб йўл олганимизда кўпроқ нашримиз обунаси ҳақида ўйлаган эдик. Водийлик опа-сингилларимиз билан юзма-юз суҳбатлашиб, улар бизни ўқишяптими, кўнгиллари тўляптими, янги йилда «Саодат»дан нималар кутишади. Шундай саволларга ҳаққоний жавоб топмоқчи эдик. Аммо қайда, ким билан учрашсак, гапимиз ўз-ўзидан Президентимизнинг Самарқанд ва Навоий вилояти халқ депутатлари кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқлари ва шу йилнинг 28 октябрида тўй, маросим ва оилавий йиғинларни ўтказишни тартибга солиш ҳақидаги фармонига қараб бурилаверди: суҳбатларда Фарғона вилояти ҳоким ўринбосари хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнора Маъруфова бошлиқ қўмита фаоллари биз билан бирга бўлишди, маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, суҳбатга йўналиш беришди.

— Биз аёлларнинг асосий вазифамиз фарзандларимизни дунё майдонларида ҳар хил миллат болалари билан барча соҳаларда беллашадиган қилиб тарбиялашдир. Қизимга фалончидан 2 та кўйлак кам, ўғлимнинг уйининг дарвозасини нақшинли қилишим керак, деб ўзимизни ўтга-чўққа уриб, катта бурчимиздан чалғиб қолаяпмиз. Ортиқча ташвишлар кучимизни кемтияпти. Энди мулоҳаза билан иш қилайлик. Тўйлар, азалар, турли оилавий тадбирларни, ихчам, чиройли ўтказиш асосан, оналарга боғлиқ, — деди Марғилон шаҳар фаол аёллари билан учрашувда 5-болалар боғчаси мудираси Дилором Аҳмедова. Ибн Сино номидаги Марғилон тиббиёт билим юрти талабалари билан мулоқотда ҳам, шаҳардаги тадбиркор аёллар даврасида ҳам Дилорохоннинг фикрини тўлдирувчи гаплар бўлди. Амалий таклифлар айтилди. Биз бу йиғинларда Президентимизнинг фармонлари фаолиятда эканлигини ҳис этдик.

Дунё аниқ фанлари пойдеворига тамал тошини қўйган боболарилмиздан бири Аҳмад ал-Фарғоний таваллуд тантаналари ўтказилган Қувада — дон комбинати хизматчилари ҳузурида ҳам бўлдик.

— Яхши инсонлар ҳатто ўн асрдан сўнг ҳам қайтиб келиб юртини обод этади. Миллатдошлари қалбида ғурур уйғотади, — деди ишчи аёллар билан учрашувда «Саодат» журнали бош муҳаррири Ойдин Ҳожиева. — Оққан дарё яна оқади. Биз шу кунлар ичида бир неча бор ёшлар билан суҳбатлашдик. Ҳозиргина Шаҳристонда Фарғоний бобомизнинг ёдгорликларини зиёрат қилаётиб, шу тумандаги 26-мактаб ўқувчиларига дуч келдик. Улар билан бирга ҳеч қандай тантанали воқеаларсиз Ватан мадҳиясини куйладик. Шу нарсанинг ўзиёқ болаларимиз, ёшларимиз Мустақилликнинг ҳар кунини қалбидан байрам деб улуғлаётганини кўрсатмайдими?! Йўлбошчимиз айрим вилоятларда рўй бераётган кўнгилсизликлар — баъзи бир мансабдорларнинг халққа хиёнати ҳақида гапираётиб бутун умидлари ёшлардан эканлигини айтдилар. Она ўзининг уйида зиёли бўлса, укувли бўлса, ақлли бўлса, ҳаммамиз умид кўзимизни тикаётган тоза нафасли авлод келиши тезлашади.

Йиғилганлар шоиранинг фикрларини қувватладилар.

— «Саодат» билан аёлларимизни уйғотайлик.

— Ҳар аёл ўз уйида яхшилик жарчиси!

— Она саранжом бўлган оила жамиятнинг таянчидир!

Марғилондаги аниқ фанлар бўйича иқтидорли болалар лицейи ўқувчиларини Ойдин опа Ватанга бундан-да гўзал баҳорлар келтиргувчи қалдирғочларга қиёс этдилар.

Ҳа, ҳали кўп баҳорлар келади. Миллат дарди билан оғриган унга ўзидан кечиб даво излаган ва топганларга ўша гўзал кўкламлар шодлиги ҳам насиб этади.

Биз водий сафаридан ўзимизга янги режалар билан қайтдик.

**Қ. РАҲИМБОЕВА**

## ҒОЛИБЛИККА ИНТИЛИШ ЯХШИ

Наманган тумани пахтакорлари ўтган йили вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарган эдилар, улар бу йил ҳам шундай меҳнат муваффақиятига эришдилар. Тумандаги барча жамоа хўжаликлари юз фоиздан ошириб маррани эгалладилар. Анъанага айланаётган илғорликнинг боиси нима, ёки пахтачиликда туманнинг ўзига хос технологияси бормикин дейсиз беихтиёр. Туманга вилоятдаги энг ёш ҳокимлардан бири Рустамжон Исматуллаев раҳбарлик қилади.

— Ҳар қандай муваффақият элнинг куч-қуввати, ҳаракати билан бўлади. Туманимиз аҳли уста деҳқон, ишбилармон кишилардир. уларнинг шижоати билан 22 минг 600 тонналик пахта хирмони тайёрланди, гектаридан олинган ҳосилдорлик 35,2 центнердан ошиб кетди, ҳосилнинг ҳаммаси юқори сортларга сотилди, — дейди Р. Исматуллаев.

Пахтакорларимиз 7020 гектар майдонга «Фарғона—3» навли чигит экиб, далаларда тўла ниҳол ундиришга эришдилар. 3100 гектар ерда илғор технология асосида ғўза парвариши олиб борилди. Илғорлар тажрибаси, фан-техника ютуқларига таянилганлик, мутахассислар, мусобақадошлар маслаҳати билан иш кўриш, айниқса ғўзаларни ўз муддатида ва сифатли чеканкадан чиқарилганлиги мўл ҳосил тўплашнинг асосий омили бўлди. Қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта учун 5 сўмдан пул тўлаб борилгани, кундалик меҳнат самарасини кўриб, ҳис қилиб туриш ҳаммани юқори унум билан ишлашга руҳлантиради албатта.

Қўлга киритган ютуқларимиз биринчидан пахтакорларнинг меҳнатига эътибор кучайтирилаётгани натижаси бўлса, иккинчидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тажрибали, катта билимга эга бўлган мутахассис кадрлар билан мустаҳкамлаб, уларнинг ташаббуси ҳокимлик томонидан ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланганлиги, аниқроқ қилиб айтганда, пахтачилик масалаларига ҳозирги давр нуқтаи назаридан ёндошганлигимиз самарасидир.

Туман пахтакорларининг меҳнат ғалабасида «Ипакчилик», «Самарқанд», «Шербулоқ», «Ғайрат», «Навбаҳор», «Туркистон», «Ижодкор», К. Солиев номидаги хўжаликлар меҳнат аҳлининг ҳиссаси катта бўлди. Бугунги кунда пахта тайёрлаш йиллик режасини муваффақиятли бажариб, мажбурият ҳисобига ҳосил топшираётган бригадалар сони юздан ортиб кетди.

Туманимиз пахта далаларида ҳали талайгина ҳосил бор, меҳнатни эса ерда қолдириб бўлмайди. Шу билан бирга, пахтакорларимизни кузги-қишки дала ишларини юксак агротехника талаблари асосида ўтказиб, келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратиш тараддуди ҳам кутиб турибди.

**Турғунбек МАҲКАМОВ**



Суратда: Наманган тумани маркази — Тошбулоқ шаҳарчаси

# АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН

**(Давоми. Боши биринчи бетда)**

Чунки замонавий дунёқарашимиз, маънавий тамойилларимиз, урф-одатларимиз, кўникмаларимиз янгича асосда шаклланаётган ва шубҳасиз эртанги авлод таълим-тарбиясига асос бўладиган ижтимоий-ахлоқий қарашларимиз вужудга келаётган бугунги ҳал қилувчи паллада бу нарса Президент сифатида мен учун ҳам, бутун халқимиз учун ҳам ниҳоятда муҳимдир.

Дунёнинг кўп-кўп мамлакатлари, жаҳон халқларининг ҳаёти, тарихи, иқтисоди, сиёсати, фалсафаси, маданияти шуни кўрсатадики, ёвузликнинг, жумладан порахўрлик, ўғрилик, товламачиликнинг миллати, насл-насаби йўқ. Бу офат башарият бошига битган шундай ашаддий балоки, унинг салбий оқибатларини оламдаги жуда кўп давлатлар, юксак тараққий топган мамлакатлар ҳам ўз ўтмиши, бугунги ҳаётида кўриб-сезиб турибди.

Биз озодликка эришган илк кунимиздан бошлаб, ўз миллий давлатчилигимизни тиклашга киришган дастлабки пайтданоқ ният ва муддаоларимизни бутун дунёга очиқ-ойдин маълум қилганмиз: мақсадимиз аниқ -- Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш. Инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш -- бош вазифамиз. Бу жамиятда **халқ ҳукмдорларга эмас, ҳукмдорлар халққа хизмат қилиши** -- асосий қоида.

Биз ана шу тамойил ва йўл-йўриқларни ҳаётимизнинг мазмун-мундарижасига айлантириш учун интиляпмиз. Энг муҳим гап шуки, бошлаган барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади битта -- **адолатли жамият барпо этиш.**

''Адолат'' сўзи минг йиллар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Асрлар давомида кишилар адолат учун курашган, мислсиз қурбонлар берган.

Адолат ҳақида жуда чиройли гапириш мумкин. Адолат ҳақида жуда узоқ гапириш мумкин. Аммо гап чиройли ва узоқ гапиришда эмас, балки ҳаётда адолатни ўрната олишда.

Айниқса, раҳбар адолати, элу юртга етакчилик қилишдек оғир масъулиятни бўйнига олган одамнинг адолати бугунги кунда беқиёс аҳамиятга эга. Авваллари ҳам кўп бор айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман: **халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди.**

Одил ҳукмдор, адолатли раҳбар ғояси Форобийдан тортиб Алишер Навоийгача ва яна бошқа кўп-кўп мутафаккирларимизнинг улуғ маънавий идеали бўлиб келган. Шарқда қадимдан жуда машҳур бўлган ''Сиёсатнома'' деган асарда подшоҳ, ҳоким, амир ва беклар, қозию қуззотнинг, замонавий тил билан айтганда, раҳбарнинг бош вазифаси **''қўю қўзиларни бўрилардан муҳофаза қилиб, ҳаром қўлларни кесиб, ер юзини ёмонлик қилувчилардан тозалаш, жаҳонни адолат ва осойишталик билан обод қилишдан иборат''**, деб кўрсатилган.

Ҳар сафар шу каби ҳикматли фикрларни ўқиганимда чуқур ўйга толаман. Қани эди, шу сўзлар ҳар бир раҳбарнинг, амал курсисида ўтирган катта-кичик мансабдорларнинг иймон-эътиқодига айланса, деб орзу қиламан.

**САВОЛ:** Фикрингизни бўлганим учун узр. Сиз доимо эзгу орзу-ниятлар билан яшаш, ҳаракат қилиш деган тушунчаларни иймон, эътиқод, охират каби тушунчалар билан ёнма-ён қўйиб мушоҳада юритасиз. Бунда қандай маъно бор?

**ЖАВОБ**: Гапингизни тушундим. Лекин мен саволингизга жавобни саволдан бошласам. Ота-боболаримиздан қолган мана шундай доно ўгитлар, Қуръони Карим, Ҳадислар нима учун хизмат қилиши керак? Ахир улар бизга, эй банда, сен -- одамсан, сени Оллоҳ таоло инсон қилиб яратган, шунга муносиб бўл, юриш-туришинг, ҳатти-ҳаракатинг, ҳаётинг инсонлик шаънига, инсонлик номига яраша бўлсин, деган фикрни англатиш учун керак эмасми?

Менинг комил ишончим шундан иборатки, дунёда **адолат қонуни** мавжуд эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Эртами-кечми ҳар бир инсон ана шу қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Буни асло унутмаслик керак. Қолаверса, одам ўз қилган гуноҳлари, қилмишлари учун замон қонунлари берадиган жазодан қочиши мумкин, аммо охиратда қаерга қочасан?

Агар одам охиратдан қўрқса, одам бўлиб яшашга интилади, одамийлиги ортади. Акс ҳолда, унинг ҳайвондан деярли фарқи қолмайди.

Биз янги озод жамият, ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, **адолат тамойилини** устувор принцип сифатида эътироф этамиз. Ва ҳеч қандай куч бизни бу йўлдан ортга қайтаролмайди. Самарқанд ва Навоий вилояти сессияларида айтилган фикрлар бунинг яна бир бор тасдиғидир.

**САВОЛ:** Сизнинг шу йиғилишлардаги маърузаларингиз, ҳозирги гапларингизни эшитганда табиий бир савол туғилади. Йўлимиз тайин, тараққиёт дастуримиз аниқ бўлса, нима учун ҳаётимизда инсон табиатига тўғри келмайдиган ана шундай номаъқул, эски асоратлар ҳанузгача учраб турибди?

**ЖАВОБ**: Биз бугун афсус-надомат билан фикр юритиб, бартараф этиш чораларини излаётган нохуш ҳолатни вужудга келтирувчи асосий сабаб шундан иборатки, кўп ҳолларда давлат ходими, давлат хизматчиси, яъни давлат ваколатидан фойдаланадиган амалдор шу ваколатни суиистеъмол қилишга интилади. Нима учун? Чунки мансабдорни ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиши учун қутқу соладиган омиллар кўп. Чунки унинг қўлида ваколат бор, куч бор. Ана шундай ҳолда нопок ходим давлатни ниқоб қилиб, моддий бойликларни тақсимлаш, ишлаб чиқариш соҳасига қўшилиш, кадрлар масаласини ҳал этиш каби нозик масалаларга аралаша бошлайди. Бундай муҳим масалаларда давлатнинг таъсири ва амалдорларнинг роли қанчалик кўп бўлса, у шунчалик аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бу фикрни кўплаб давлатлар тажрибасида ҳам, тарихий фактлар мисолида ҳам исботлаб бериш мумкин. Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган.

Бугун биз бошимиздан мураккаб бир давр -- яъни ўтиш даврини кечираётганда, эски маъмурий-буйруқбозлик, мансабдорларнинг чексиз ҳукмронлиги замонидан янги озод жамият, эркин иқтисод, демократик тузум сари қадам қўяётган бир пайтда бундай қусурларнинг юзага қалқиб чиқиши ҳам табиий бир ҳол. Янада соддароқ айтганда, эски тизим қонунлари ўз кучини йўқотиб, янги тизим, янгича ҳаёт кечириш, ишлаб чиқаришни, ижтимоий турмуш соҳаларини бошқаришнинг янги қонунлари ҳали тўла кучга кирмагани, энг муҳими, одамларимизнинг тафаккурида ўзгаришлар жуда секинлик билан рўй бераётгани, уларнинг янги тизим қоидаларини қийинчилик билан идрок этаётгани ва қабул қилаётгани ҳам шу каби салбий ҳолатларни кучайтирмоқда.

Бу вазиятдан чиқиш, вужудга келган аҳволни бартараф қилиш, ҳар қайси жамоа ва минтақада соғлом ижтимоий муҳит ташкил этиш борасида турли хил фикрлар билдириш мумкин. Баъзилар, ҳуқуқ-тартибот ташкилотлари, маъмурий идораларнинг кучини ошириш керак, дейиши мумкин. Яъни, текширувчилар сонини кўпайтириш, керак бўлса, ҳар бир мансабдорнинг ёнига биттадан назоратчи қўйиш зарур, дегувчилар ҳам йўқ эмас.

Аммо воқелик, кундалик ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, текширувчилар устидан текширувчилар қўйган билан порахўрлик иллати камаймайди, аксинча, баттар авж олади. Қолаверса, биз бундай даврларни бошдан кечирганмиз. Бир эсланг, шўро замонида қанчадан-қанча текширувчи идоралар бор эди: давлат контроли, халқ контроли, уларнинг устидан текширадиган партия контроли. Жойларда, шаҳар-туманларда уларнинг ажирикдек тармоқлаб кетган яна кўпдан-кўп бўлимлари мавжуд эди. Бундан ташқари, райком бюролари, милиция, прокуратура, КГБ, ОБХСС...

Мана шундай тоталитар назорат муҳитида ҳам зўравонлар ўз билганидан қолмаган, порахўрлар ўз қилмишини давом эттираверган. Бундай иллатлар, айниқса, коммунист мансабдорлар орасида ўтакетган даражада авж олган эди.

Биз бугун турли хил назоратчилар, текширувчилар, терговчилар ва шунга ўхшаганларнинг сонини қанча кўпайтирсак, ишончим комилки, порахўрлик баттар авжига чиқади.

**САВОЛ:** Бундай ҳолатларнинг олдини оладиган, уларнинг давлат ва жамият манфаатларига етказадиган зарарли таъсирини бартараф этадиган восита борми? Бу масалада бизнинг йўлимиз қандай бўлиши керак?

**ЖАВОБ**: Менинг назаримда, бу муаммонинг ечими қуйидагилардан иборат.

**Энг аввало**, бизнинг онгу тафаккуримизга, маънавиятимизга кишан бўлиб турган эски асоратлардан ҳоли бўлган, замоннинг илғор талабларига жавоб берадиган ғайрат-шижоатли, мард, инсоф-диёнатли ёшларимизнинг ҳал қилувчи вазифаларга келиши учун йўлни кенг очиб бериш керак.

**Иккинчидан**, ижтимоий ҳаётда демократия талаблари ва тамойилларини тўла қарор топтириш, давлат ва давлат идоралари ишини демократик принциплар асосида ташкил этиш. Бунда бутун дунё тажрибасида ўзини оқлаган усул -- ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятидан иборат мустақил уч тизимга тақсимлаш ишини амалда рўёбга чиқариш зарур. Жойларда ҳам ҳар қайси бўғинда шу тақсимот оғишмай жорий этилмоғи шарт. Бу уч тизим бир-бирининг ишига аралашмасдан, бир-бирини назорат қилган ҳолда фаолият олиб боришига эришиш лозим.

Маълумки, ҳар қандай жамиятда ҳам демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар -- **халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги, ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир.**

Мана шу принциплар ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олган тақдирдагина ҳар хил суиистеъмолликларга қарши самарали ва изчил кураш олиб бориш мумкин.

Бугун биз тўқнаш келган вазиятни тубдан ўзгартиришнинг **яна бир муҳим шарти - бу мулк масаласини ҳал қилишдир.** Яъни мулк ўз эгасини топиши даркор. Ҳаётимизда ва ишлаб чиқаришда хусусий мулк бошқа мулк шакллари -- давлат мулки, жамоа мулки, акционерлик мулки ва ҳоказолар орасида асосий устувор ўринни эгаллаши керак. Қачонки, шу мақсадни тўла амалга ошира олсак, давлат мулки ҳисобидан ўғирлик, талон-тарож қилиш, ундан нопок йўлда фойдаланиб меҳнатсиз даромад орттириш каби бемаъни ишларга чек қўйиш мумкин бўлади. Аминманки, ҳеч ким ҳеч қачон ўз мулкини ўғирламайди ёки ўз мулкига хиёнат қилмайди. Бу -- ақлга сиғмайдиган ҳодисадир.

Хусусий мулкдор устидан назоратчининг ҳам кераги йўқ. Чунки бош назоратчи -- унинг ўзи. Қонун асосида ишласа бас, ўз вақтида солиғини тўлаб борса, бўлди. Қанча даромад топса, топаверсин.

Муаммонинг **тўртинчи ечими** шундан иборатки, биз жамиятимизда ҳақиқий маънодаги кўп партиявийлик муҳитини тезроқ шакллантиришимиз зарур. Чунки партиялар, турли хил нодавлат ташкилотлар дегани -- бу жамоатчилик дегани. Демак, кенг жамоатчиликнинг ижтимоий ҳаётдаги таъсирини, ўрни ва ваколатини, ҳуқуқини кучайтириш, унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш лозим.

''Тафаккур'' журналида эълон қилинган суҳбатда билдирилган ''Кучли давлатдан -- кучли жамият сари'' деган фикримнинг моҳияти ҳам аслида шу.

Биз адолатли, демократик жамият қурмоқчи эканмиз, бир ҳақиқатни асло ёддан чиқармайлик: **тепадан туриб, махсус фармон ёки декрет билан жамиятда адолат ва демократияни ўрнатиб бўлмайди. Бу барчанинг бирдек иштироки, биринчи навбатда пешқадам зиёлиларимиз, турли сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари намояндаларининг, масъул хизматчиларимизнинг ғайрати, жасорати, ақл-заковати билан рўёбга чиқадиган мураккаб ишдир.**

Бу борадаги энг муҳим ва оғир масалалардан бири шуки, демократик тамойилларни жорий этишда асрлар синовидан ўтган, бугунги ҳаётимиз талабларига хизмат қиладиган, танлаб-саралаб олинган миллий қадриятлар ва умумбашарий тажрибаларни табиий равишда уйғунлаштира олишимиз лозим.

Масаланинг **яна бир ечими** фикр эркинлиги, сўз эркинлиги билан боғлиқ. Жамият аъзолари ўз фикрини эркин ифода эта билиши, сўз эркинлигини ҳимоя қилиш, шу ҳуқуқларнинг амалда таъминланиши учун кафолат яратиш -- бизнинг бугунги энг муҳим вазифамиз бўлиши лозим. Одамларнинг эркин фикрини ифода этувчи оммавий ахборот воситалари жамиятда ўзининг мустаҳкам ўрни ва мавқеини эгаллаши даркор.

Яна такрор айтаман: агар жамият назоратини ташкил этолмасак, яъни жойларда давлат идоралари устидан жамоатчиликнинг назоратини ўрнатишга эришолмасак, бундай нохуш ҳолатларни таг-томири билан тугатишнинг имкони бўлмайди. Бу касаллик, бу балога қарши курашишнинг бундан бошқа йўли йўқ.

Бунга эришиш учун эса аввало жамоатчилик вакилларининг сиёсий, ижтимоий савиясини ўстириш керак. Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. **Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш** асосий вазифалардан бири бўлиши шарт. Токи жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади.

Бугун одамларнинг дунёқараши, онгу тафаккурини ўзгартириш мана шу масала билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди.

Самарқанд ва Навоийда бўлиб ўтган сессияларда кўтарилган масалалар муҳокамаси мен учун нақадар оғир кечганини, юрагимга нақадар қаттиқ ботганини яшириб ўтирмайман.

Шу йиғилишларда ҳозир бўлган депутатлар ва иштирокчилар олдида сўзлаганда мен миллионлаб одамларимиз, бутун заҳматкаш халқимизни кўз олдимга келтириб, хаёлимда уларни тасаввур этиб гапирганимни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Чунки, доно, меҳнаткаш, сабр-тоқатли халқимиз оқ билан қорани ажрата олиш фазилатига эга, энг муҳими, унга тўғри йўл кўрсатилса, адолат тарозиси одил ва маҳкам тутилса, ҳар қандай синовдан ёруғ юз билан ўта олиши муқаррар.

Оддий бир фермер, шифокор, ўқитувчи ё бўлмаса, Нуротанинг чекка бир қишлоғи вакиласининг мамлакат Президентига ишонч, ҳурмат билдириш билан бир қаторда минбарга чиқиб ўз фикрини эркин, дадил ифода этиши мени қувонтирди. Ана шундай дамларда умрим, борлиғим мазмуни бўлган -- озод, демократик, фаровон жамият қуриш йўлидаги ҳаракатларим мева бераётганидан, тобора оммалашаётганидан, юртимизнинг энг олис жойларида ҳам ўз тарафдорларини топаётганидан кўнглим таскин топди. Шундай одамлар, шундай халқимиз бор экан, улар билан ҳар қандай қийинчиликларни, ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиш мумкинлигини ҳис этиб, кучимга куч қўшилди.

Очиқ айтиш керакки, рўй берган бу жирканч ишларнинг сабабларидан бири -- маънавият, таълим-тарбия соҳасида олиб бораётган ишларимизнинг ҳали талаб даражасида эмаслиги билан боғлиқ. Қатъий ишонч билан айтиш лозимки, **маънавий бойлик -- моддий бойликдан минг бор устун.** Шу боис биз таълим-тарбия масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ёндашмоқдамиз. Кадрлар тайёрлаш ҳақида қабул қилинган Миллий дастур ҳам моҳият эътибори билан шу мақсадни амалга оширишга қаратилган.

Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз -- бу ўсиб келаётган ёш авлодимиздир. Такроран айтаманки, мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўраман.

Кўриниб турибдики, бизнинг мақсад-вазифаларимиз, асло кечиктириб бўлмайдиган ишларимиз ниҳоятда кўп. Уларни амалга ошириш учун бутун халқимиз, жамоатчиликнинг куч ва саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарур.

Биринчи галда соғлом фикрловчи, шу азиз Ватан қисматини ўз шахсий қисмати деб биладиган, мамлакатнинг эртаси учун бор масъулиятни зиммасига олишга қодир, жафокаш халқимиз учун, демократия ва адолат учун ўзини бахшида этадиган, фидойи, изланувчи ёш авлоднинг бошини қовуштириш, унинг мақсад ва интилишларига қанот бериш зарур.

**Агар биз замон билан ҳамнафас яшамоқчи бўлсак, дунёдаги бошқа халқлар, бошқа миллатлардан кам бўлмасликни, аксинча, улар билан тенг, эркин, ҳамкор бўлиб умр кечиришни истасак, фарзандларимизнинг бахту камолини кўрмоқчи бўлсак, ҳаётимизда адолат, фаровонлик, маънавий собитлик қарор топишини хоҳласак, йўлимизда дуч келиб, улуғ ва эзгу ишларимизга халал бераётган турли иллатлардан халос бўлишимиз, уларга қарши қатъият, сабот-матонат, жасорат билан биргаликда кураш олиб боришимиз шарт.**

Биз орзу қилаётган фаровон, озод ва обод ҳаётга эришишнинг асосий шарти шуки, унинг қонун-қоидаларига, талабларига бўйсуниб, риоя қилиб яшаш керак. Акс ҳолда умуминсоний тараққиётнинг катта йўлидан четга чиқиб, яна ўша оғир муаммолар гирдобида қолиб кетиш хавфи бор.

Нақадар аччиқ бўлмасин, бу -- ҳаёт. Бу --ҳақиқат.

Бугун замон барчамиздан мана шу саволларга жавоб кутмоқда. Буни ҳаммамиз теран англашимиз ва унга муносиб жавоб беришимиз керак.

*Болалар оталар ҳақида*

## ҚАРЗДОРЛИК



### РУҲИНГИЗ ШОД БЎЛСИН, АЗИЗ ОТАЖОН!

Агар мендан «Бу дунёдан армонингиз борми?» — деб сўрасалар, «Менинг энг катта армоним ота-онам олдиларидаги қарздорлигим ва бу қарзни ҳеч қачон узолмаслигимдир», — деб жавоб берар эдим.

Дарҳақиқат, бу дунё армонли дунёдир. Ҳаттоки, «Мен ниҳоятда бахтлиман, бу дунёдан ҳеч қандай армоним йўқ» деган инсонларнинг ҳам қалбининг тубида қандайдир бир ўкинч ёки афсус, яъни армони бўлмай иложи йўқ. Фақат биз қалбимизга ҳамма вақт ҳам қулоқ солавермаймиз, айниқса унинг туб-тубларида сақланаётган фикру андишалар ва улар билан боғлиқ ҳис-туйғуларимизга ҳамма вақт ҳам эътибор беравермаймиз. Ваҳоланки, инсон ўзлигини англаши учун зарур бўлган шартлардан бири-унинг ўзи билан ўзи ёлғиз қолишидир.

Одамнинг ёши улғайгач, болалик, ёшлик хотиротлари тобора бот-бот хаёлини банд этади.

Болалигимни эслар эканман, қалбим тўридан абадий жой олган икки нурли сиймо — отажоним ва онажоним кўз ўнгимда гавдаланадилар.

Отам, яъни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний мукофотининг лауреати, таниқли арабшунос АБДУФАТТОҲ РАСУЛЕВ (1888 — 1977)нинг таваллуд топганларига бу йил 110 йил тўлади. У кишининг илмий фаолиятлари ҳақида республика матбуотида ўз вақтида қатор мақолалар эълон қилинган. Мен эса бир фарзанд сифатида падари бузрукворимиз олдиларидаги бурчимни бир оз даражада бўлса-да адо этиш ниятида шу муҳим сана муносабати билан ушбу сатрларни битишга қарор қилдим.

Дадам Тошкентнинг Шайҳовантаҳур (Шайҳонтовур) даҳа, Занжирли маҳалласида боғдор оиласида тўнғич фарзанд бўлиб дунёга келган эканлар. Отамнинг оталари — бобом Абдурасул ҳожи боғдорлик ва иморат ишлари билан шуғулланар, шу билан бирга маълум вақт тижорат йўли билан Париж, Лондон каби шаҳарларда ҳам бўлган эканлар. У киши тўғриларида ойимдан эшитган ҳикояларим ҳамон эсимда. Бобом илм-маърифатга қизиққан одам бўлиб, дадамни дастлаб Шайҳонтовур жомеининг хатиби Абдулвакил Махдум мактабига, сўнгра Мерганчадаги Арслонқори домла мактабига ўқишга берганлар. Шу тариқа дадам эски ўзбек мактабларида бошланғич маълумот олиб, шеърият, адабиётни, хаттотлик санъатини эгаллайдилар. Сўнг Шайҳонтовур мадрасасига кириб, у ерда етти йил давомида араб тили ва шу тилдаги адабиёт, фасоҳат ва балоғат, калом, фиқҳ — мусулмон қонуншунослиги, математика, физика фанларини чуқур ўрганадилар. 1917 йилда мадрасадан кетиб боғ ишларига машғул бўладилар.

Аммо илмга бўлган қизиқиш дадамни 1918 йилда Хадрада очилган 8 ойлик муаллим тайёрлов курсига етаклайди. Шу курсда ўқиб туриб, айни вақтда «Тўқли жаллоб» маҳалласидаги ибтидоий мактабда дарс бера бошлайдилар. Курсни аъло баҳо билан битириб Қаймоқ бозоридаги «Ирфон» мактабида муаллимлик қиладилар. «Мен она тили, имло, иншо, ҳисобдан тўрт амал, тарих дарсларини бешинчи синфларга қадар ўтардим», — деб ҳикоя қиладилар дадам ўз таржимаи ҳолларида.

1923 йилда бобом бетоб бўлиб қолиб, катта рўзғор ташвиши дадамнинг зиммаларига тушади. Муаллимлик маоши билан тирикчилик қилиш қийин бўлганлиги сабабли бинокорлик ишларига ўтишга мажбур бўладилар.

Бу вақтда дадамнинг ўзлари ҳам уйланган бўлиб, Шайҳонтовурдаги ота ҳовлида ота-оналари ва бошқа фарзандлар билан биргаликда истиқомат қилишар эди. 1936-37 йилларда бу ердаги ҳовлилар бузилиб, отам Ишчилар шаҳарчасидан жой қилдилар. Бу ердаги уй битгунга қадар ўз оилалари билан Себзор яқинидаги Тарновбоши маҳалласида бир уйда яшаб туришди. Дадам ва ойимнинг ҳикоя қилишларича, Ишчилар шаҳарчасидаги уйни дадам асосан ўз қўллари билан қурганлар. Ойим ҳам қараб турмай доимий ёрдам берар эканлар. Ниҳоят 1938 йили иморат битиб, оила уйга кўчиб киради. Шундан кейин оиламизга яна икки фарзанд, мен ва синглим қўшилганмиз. Бу ерда оиламиз кўп йиллар давомида тинч, фароғатли ва бахтли ҳаёт кечирди. Мен учун болалигимнинг энг беғубор ва ширин дамлари шу ҳовли билан боғлиқдир.

Дадам болалар тарбиясига катта эътибор билан қарар, ҳаммамизни ҳалол, пок виждонли, меҳнатсевар бўлишга ўргатар эдилар. У киши ўзларига ва фарзандларига нисбатан жуда талабчан, хўжалик ишларига миришкор бўлиб, уй-рўзғор ишларида ойимизга ҳам ёрдамлашар эдилар.

Сағирлик вақтимдаги баъзи дақиқаларни аниқ эслайман. Уйимиздаги катта хонада биз, болалар, қатор солинган ўринларда ухлар эдик. Азонда дадамнинг таҳорат қилиб келиб бомдод намозини ўқиётганларини уйқу аралаш кўзларим билан кузатар эдим. Баъзан эса намоздан кейин дадам сандал курсиси устига Қуръони каримни қўйиб, ширали овозлари билан ўқиётганларида уйғониб кетардим. Шунда дадамнинг сураларни чиройли қироат билан ўқиётган овозлари менга жуда мунгли эшитилар, назаримда дадамнинг кўзларидан ёш томчилаётгандек бўларди.

1944 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясида Шарқ қўлёзмалари (ҳозирги Шарқшунослик) институти ташкил қилиниб, дадам мадрасада таҳсил кўрган, шарқ тилларини билувчи бир неча кишилар билан бир вақтда шу институтга ишга таклиф қилинадилар ва мазкур йилнинг 1 сентябридан бошлаб кичик илмий ходим, кейинчалик катта илмий ходим вазифасида ишлайдилар.

Дадам Шарқшунослик институтида 30 йилдан ортиқ фаолият кўрсатдилар. Дастлаб қўлёзма асарларга карточкалар тузиш билан шуғулландилар. Фалакиёт, риёзиёт, ҳандаса, табобат каби дунёвий фанларга оид минглаб китоблар қўлларидан ўтди, уларнинг мазмуни билан танишдилар. Кейинчалик таржимада куч синаб кўра бошладилар. Абдулқодир Бедил асарларидан намуналар, Абу Наср Форобийнинг фалсафий рисолаларидан айрим бобларни, Фирдавсий «Шоҳнома»сининг кириш қисмини, Носируддин Тусийнинг «Совуқ ва иссиқ» рисоласини, Али Қушчининг астрономияга оид рисоласини, «Абу Райҳон Беруний билан Ибн Синонинг савол-жавоблари»ни таржима қилдилар. Беруний «Осорул-боқия»сидан айрим бобларни М. Абдураҳмонов билан ҳамкорликда ўзбекчага ўгирдилар.

1952 йилдан бошлаб Абу Али Ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигига тайёргарлик кўрилаётган вақтда буюк олимнинг машҳур «Ал — Қонун фи-т-тиб» («Тиб қонунлари») асарини ўзбек тилига таржима қилишда дадам асосий таржимонлардан бўлиб, «Қонун» учинчи китобининг энг катта қисми (53 босма табоқ) ва умумий касалликларга бағишланган тўртинчи китобнинг ҳаммаси (40 босма табоқ)нинг таржимаси у кишининг ижодий меҳнатларининг самараси бўлди. Бу тўғрида ҳурматли профессор И. Абдуллаевнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1995 йил 3 март сонида эълон қилинган «Беруний, Ибн Сино руҳи қўллаган зот» номли мақоласида маълумот берилган.

Ибн Сино «Қонун»и таржимасини амалга оширишдаги хизматлари ҳисобга олиниб, отамизга 1962 йили илмий асарлари мажмуаси асосида, диссертация ёзмаган ҳолда филология фанлари номзоди илмий даражаси берилди.

1966 йили Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асари у кишининг таржималарида босилиб чиқди.

**Давоми 4-бетда**

# КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ ДАВЛАТ

## Покистонлик олим жаноб Доний билан суҳбат

**— Ҳурматли Доний жаноблари! Диёримизга хуш келибсиз.**

— Ўзингиз ҳам хушвақт бўлинг, азиз дўстим! Жаҳон маданияти тарихида ўчмас из қолдирган икки буюк алломанинг муборак тўйлари муносабати билан мендек бир покистонлик олимни шодиёналарда иштирок этиш учун Ўзбекистон ҳукумати, Ўзбекистон Фанлар академияси таклиф этганидан беҳад хурсандман.

**— Жаноб Доний, сиз диёримизга бир эмас бир неча бор келгансиз. Ҳар бир ташрифингизда Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришларга дуч келяпсиз. Улар сизда қандай таассурот қолдиряпти?**

— Ўзбекистонга бир неча бор илмий анжуманларда, ипак йўли бўйича уюштирилган экспедицияларда иштирок этиш учун ЮНЕСКОнинг вакили сифатида ташриф буюрганман. Мен 1996 йили улуғ давлат арбоби, буюк саркарда Амир Темурга бағишланган халқаро анжуманда маъруза қилишга муяссар бўлган эдим. Мана орадан икки йил ўтди. Бу тарихан жуда қисқа фурсат. Лекин икки йил ичида мустақил Ўзбекистон, унинг вилоятлари, марказлари, ўзининг тарихий обидалари билан дунёни лол қолдирган кўҳна Самарқанд, Бухоро, Фарғона, айниқса Тошкент мисли кўрилмаган даражада ўзгариб кетибди.

Бугун яна шуни ҳам англаб етдимки, Ўзбекистон халқининг ўзининг биринчи президенти Ислом Каримовга бўлган иззат-икроми, ҳурмат-эҳтироми жуда ортган.

Мен бундан 6 йил бурун Президент Ислом Каримовни кўрган эдим. Ҳозирги Ислом Каримов жуда ўз мамлакати билан бирга ўзгарган, унинг ўз халқига, она Ватанига, айниқса аждодларига кўрсатаётган ҳурмат-муҳаббати, олиб бораётган ишлари жуда катта таҳсинга сазовор.

Бу галги сафар чоғимда ҳурматли Ислом Каримов жанобларини икки буюк алломанинг таваллудига бағишланиб ўтказилган тантаналарда кўрдим. Ул зотнинг Ўзбекистон ажнабий дўстлари қалбида бир умрга қоладиган тантаналарда бошдан охиригача қатнашишлари, бош-қош бўлганлари, мароқли ва сермазмун маърузалари бизда жуда чуқур таассурот қолдирди. Эндигина 7 ёшга кирган, бозор иқтисодига ўтиш жараёнида давлат ишлари ошиб-тошиб турган, ҳар бир дақиқалари ўлчовли бўлишига қарамай, жаноб Президент буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий ва фалакиёт илми, риёзатни жаҳонга танитган Аҳмад ал-Фарғонийдек сиймоларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб мустаҳсан бир иш қилди. Бизга маълум, не-не миллий қадриятлар шўролар даврида оёқости қилинган, ер қаърига киритилиб юборилган эди. Президент Каримов уларни тиклаш ва жамият ҳаётида қарор топтиришда зўр саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Ёниб яшаб, ёш авлодни миллий қадриятлар, буюк аждодларга ҳурмат ва эҳтиром билан қарашга ўргатмоқда. Маданиятингизни жаҳонга танитишда ҳормай-толмай катта иш юритмоқда. Биз ана шу икки кун ичида Самарқанд ва Фарғонада бир-биридан чиройли, ҳашаматли кошоналар, боғу роғлар, ям-яшил майдонлар, кўчалар, кўзни қамаштирадиган биллур чироқлар, мавж уриб, кишига ҳузур бағишловчи фавворапарни кўриб лол қолдик.

Икки қўшни давлатларимиз иқтисодий шароитларини яхшилашда, халқ фаровонлигини оширишда тинмай изланишлар олиб боришяпти.

Лекин икки давлатда ҳам иқтисодий қийинчиликлар мавжуд. Сизда ҳам, бизда ҳам ҳозирги кунда пул қадрсизлиги бор. Биз буни енгиб ўтишимиз керак. Яқин орада пул қадрсизлигини билмаган Японияда ҳам бу аҳвол анча оғир кечмоқда. Бу ҳол деярли барча Осиё мамлакатларида: Индонезия, Малайзия, Корея, Филиппин, Тайвейда кўзга ташланяпти. Россияда-ку аҳвол бундан ҳам баттарроқ кечмоқда.

**— Жаноб Доний, сизнинг фикрингизча буҳроннинг сабаби нимада?**

— Менинг фикримча, бу иқтисодий муносабатларни кўпроқ Оврупо мамлакатлари, хусусан, АҚШ, Германия, Франция, Англия, Италия каби илғор иқтисодий мамлакатлар билан яхши олиб боряпмиз. Лекин Шарқ ва Осиё мамлакатлари бир-биримиз билан ўртамиздаги иқтисодий алоқаларга етарли эътибор бермаяпмиз. Буҳронни келтириб чиқарган сабаблардан бири шунда деб биламан. Мен Ғарбий Оврўпо ва АҚШ каби давлатлар билан иқтисодий алоқаларни ўрнатиш керак эмас демайман. У мамлакатлар билан ҳам иқтисодий алоқаларни яхшилаш керак, лекин шунинг билан бирга, қўшни Осиё давлатлари билан ҳам иқтисодий алоқаларни яхшиласак, мамлакатларимизнинг турмуш даражаси, иқтисодий салоҳиятлари ривож топган бўлур эди.

Назаримда Ғарбий Оврупо «глобал виллат»га айланиб бормоқда ва сармояларнинг каттагина қисми улар томон оқиб кетяпти. Осиё мамлакатларининг иқтисоди биз ўйлаганча яхши ривожланмаяпти. Учинчи дунё силсиласидан чиқиб кета олмаяпмиз. Лекин президент Ислом Каримов ўзини шу қийин шароитда назарияда ҳам, амалиётда ҳам жуда моҳир иқтисодчи эканлигини исботлади.

Биз Ислом Каримов яқин қўшни давлатлар, жумладан, Ҳиндистон, Покистон, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия мамлакатлари билан тенг ҳамкорлик сиёсатини ўрнатганидан хурсандмиз. Бу янги бир сиёсат даражасига ўсиб чиқиши мумкин.

Президент Ислом Каримовнинг нафақат ҳамдўстлик мамлакатларида, балки хорижий Шарқ мамлакатлари ўртасида ҳам обрў-эътибори баланд.

Агар иқтисодий алоқаларимиз яхшиланса, аминманки, бошқа соҳалардаги алоқаларимиз ҳам яхшиланади.

Ўзаро бирлашиб, ҳамфикр бўлиб, шу эзгу ишларни амалга оширсак, Афғонистон масаласи ҳам ўз-ўзидан ҳал бўлади. Ўзбекистон ўзининг янги, мустаҳкам йўлини топиб, бу йўлдан дадил қадам билан бораётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Ҳақиқий қўшнилар ҳамкорлик қилмас экан, бир давлатнинг ёлғиз ўзи катта ютуқларга эриша олмайди. Сизда шундай нақл бор: «Ёлғиз отнинг чанги чиқса ҳам донғи чиқмайди», хўп топиб айтилган гап!

**— Жаноб Доний, сиз нафақат ўз ватанингизда, балки чет давлатларда ҳам таниқли археолог, тарихчи сифатида танилгансиз. Шу билан бирга, «Марказий Осиё журнали», эндиликда эса «Марказий Осиё цивилизацияси» номли журналлар чиқаряпсиз...**

— Мен 35 йилдан бери Марказий Осиё давлатлари ва халқлари ҳаёти, тарихи билан яқиндан танишиб бораман.

ЮНЕСКО ташкилотининг бир аъзоси сифатида нафақат Покистонда, балки бошқа хорижий мамлакатларда Марказий Осиёнинг қадимги маданияти, буюк алломаларига бағишланган илмий анжуманларни ташкил этиш, ўтказишда куч-қудратим етганча ўз ҳиссамни қўшиб келаётганимдан хурсандман. Покистонда менинг ташаббусим билан маданият вазирлиги ёрдамида ЮНЕСКО кўмагида Абу Райҳон Беруний, Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино ва бошқа алломаларнинг ижодларига бағишланган илмий симпозиумлар ўтказдик. Чунки юқорида номлари зикр қилинган алломалар билан сиз каби фахрланамиз. Чунки ислом маданияти бизга кўпроқ Арабистон орқали эмас, Марказий Осиё орқали кириб келган. Шунинг учун расм-русумларимиз, анъаналаримиз, байрамларимиз ва ҳатто тилимизда ҳам муштарак томонлар кўп.

Биз бир дарахтнинг шохларимиз. Бу борада севимли шоирамиз Муҳаммад Иқболнинг қуйидаги тўрт мисрасини келтириш жоиз деб биламан:

На афғонмиз, на туркмиз, на тотармиз,
Ҳар биримиз бир гул — бирга гулзормиз.
Ирқ ажратмоқ бизга тамом бегона,
Бир қуёшдан баҳра олган баҳормиз.

Мен 80 ёшни қоралаб қолган қария олимман. Икки буюк давлат, халқ ўртасидаги алоқалар юқори чўққиларга кўтарилишини истайман. Яна кўришгунча, менга қадрдон бўлган, меҳмондўст ўзбек халқи, унинг доно Президенти омон бўлсин. Зафар доим ёр бўлсин!

**Доцент Саъдулла ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.**

*Қари билганни пари билмас*

# СУҲБАТИМИЗ СОЗ БЎЛДИ

Май ойида Новдаги Янгийўл санаториясида Тоҳир исмли адабиёт ўқитувчиси билан ҳамроҳ бўлиб қолдим. Ўзим адабиёт муҳиби бўлганимдан жуда қувондим. Ўртамиздаги суҳбатни тил, адабиётга бурар эдим. Ёши етмишдан ошган, 50 йил адабиёт соҳасида ишлаб, шарафли устоз номини олган ҳамхонам Тоҳиржоннинг билими саёз, бироз қотиб қолган экан. Чўлпондан сўзласам, билмайди. Тасаввури бошқача, чала. Унинг сўзича «Чўлпон шоир эмас, балки миллий уйдирмаларни назмга солиб шоирлик даъво қилган кимса. Мен унинг назмларини ўқимайман», дейди. Мен «шунинг учун унинг кимлигини, шеърдаги кувватини билмайсиз. Чўлпонни тушунмай туриб, адабиёт фанини қандай олиб боргансиз, ҳайронман» — эътироз қилдим. Ҳамхонам: «Мен қишлоқ мактабларида ишладим. Боту билан Абдулла Тўқай каби ёзувчиларнинг асарлари билан ўқувчиларимни ошно қилдим», деди. Шу асно эшикдан уч аёл рухсатсиз келишиб суҳбатимиз бўлинди. Ҳамхонам ўрнидан туриб, учаласи билан лабларидан ўпиб кўришди. Улар менга эътибор ҳам қилишмади. Мен уларнинг соғлигини сўраб, хонадан чиқиб кетдим. Ярим соатча вақт ўтказиб хонага қайтдим. Аёллар кетишмоқчи экан. Ўрниларидан туриб хайрлашиб чиқишди. Шундан кейин ҳамхонамдан аёлларнинг кимлигини сўрадим. У «хотиним ва икки қизим» деди. Мен ҳайрон бўлиб, «нега қизларингиз лабидан ўпиб кўришдингиз, яна менинг олдимда», дедим. Шеригим «нима зарари бор, биз одатланганмиз» деди. Кейин мен унга дедим: «Эркак киши ўз қизининг лабидан ўпиб кўришадими, бу ҳеч мусулмончиликка ҳам, инсонийликка ҳам тўғри келмайди» дедим. У ўйлаб туриб: «Биз қишлоқда яшаганмиз. Шундай одатланиб кетганмиз», деди. Мен шунда ҳамхонам, таассуфки, ўқиган, уқмаган кимса эканига қаноат ҳосил қилиб, ёшим анчага борганим сабаб қуйидаги маслаҳатларни бердим; «Халқимизда «олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин» деган гап бор. Сиз кўпроқ нотўғри тушунчалар таъсирида қолибсиз. Тил, адабиёт ўқитувчиси бўла туриб, ёшларга ўзбек халқининг фарзандлари бўлмиш таниқли ёзувчиларимиз Чўлпон, Абдулла Қодирий, Эркин Воҳид, Абдулла Ориф каби ёзувчиларни яхши танитмагансиз. Чўлпон ҳақида нотўғри фикрдасиз. Менинг олдимда хотинингиз ва бўйи етган қизларингиз лабидан ўпиб кўришдингиз. Ўзбекларда эркаклар қизи ва яқин кишиларини меҳр билан пешонасидан ўпиб бахт, соғлик тилайдилар. Лабдан ўпиш шаҳвоний ҳис уйғотадики, бу севишган эркак, аёлларда учрайди. Яъни лабдан ўпиш севиш белгиси, пешонасидан ўпиш меҳр-шафқат белгиси. Буларнинг фарқига бориш керак. Анча ёшга бориб қолибсиз» дедим. Шеригим бироз ўйлаб туриб: «Мен сизга қўшилдим. Бу камчиликларни тузатаман» деди. Кейин унга жамоат ичида ўзини қандай тутиш ҳақида гапирдим. У сўзларимга қўшилиб: «Раҳмат сизга, камчилигимни юзимга айтиб, тўғри йўлга солмоқчи бўлдингиз. Буни унутмайман, доим сизни эслаб юраман», деди. Шундан кейин юриш-туришида яхши томонга ўзгариш бўлди, мендан ажралмасди. Болалари келганда ўпишмади ва болалари ҳам уни сизлаб гапирди.



Бир кун иккимиз тил, сўз маданияти ҳақида узоқ гаплашдик. Мен дедим: «Сиз тил-адабиёт ўқитувчисисиз. Сизнинг сўз, муомалангизда замоннинг маънавий ҳаётини акс эттирган ҳоллар ҳар чоқ намоён бўлиши керак. Бошқалар сиздаги ижобий Сўз ва муомалаларни ўрганиши лозим. Сиз сўзингиз, муомалангиз билан одамларни тарбияланг ва ўргатинг. Халқимиз сўзлашувида ноўрин қўлланадиган сўз ва иборалар кўп учрайди, ўрганиб қолганлар, фарқига бормайдилар. Масалан, «Машинага ўтир, йўлда ташлаб кетаман», «менинг олдимга боринг», «фалончи пистончи олдида ўтирибди» қабилида. Ахлатни ташлаб кетилади, одамни «қўйиб, қолдириб» кетилади. «Оборив қўяман» «ёнимга келинг» каби сўзлар ишлатилса яхши бўларди. Сўзимиз ахлоқ, одоб доирасида бўларди. Сизнинг вазифангиз халқимиз болаларини билим бериб тарбиялаш. Келажак авлодларнинг билими ва онги билан бирга тўғри тарбияси ҳам сизларнинг бўйнингизда» дедим. У: «менинг кўзимни очдингиз, раҳмат. Бундан кейин тилимизнинг софлиги ва мантиқий тўғри сўзланишига эътибор бераман» деди. Мен «Газета ва журналлар ўқиб турсангиз керак. «Миллий тикланиш» газетасини ўқиб туринг, зиёлиларга боп газета» дедим. У «газетани кам ўқийман, бизда йўқ. Сиз айтган «Миллий тикланиш» газетаси номини энди эшитдим, кўрмаганман», деди. Мен газета ҳақида тўла маълумот бердим, ёнимдаги сонини кўрсатдим, ажабланиб танишиб чиққач: «шундай газета борлигини ҳозир билдим. Қаранг-а...» — деб бошини сарак-сарак қилди. Газетани унга беришимни сўради. Кейин газета ва унинг муҳаррири ҳақида етарли маълумот бериб қишлоқ маданий ҳаёти, ютуқлари ҳақида мақола ёзиб туринг. Газета таҳририяти адреси газетада бор» дедим. Хурсанд бўлиб раҳматлар айтди. Шу чоқ хонамизга икки дам олувчи қўшнилар келиб ёнимизга ўтиришди. Бири «бу қандай газета» деб столдаги «Миллий тикланиш»ни қўлига олиб танишиб чиққач, «бундай газетани биринчи кўришим, яхши газетага ўхшайди» деб қўйди. Улар ҳам ўқитувчилар эди. Мен газета ва унинг таҳририяти ҳақида маълумот бердим. Иккалалари газета билан танишиб чиқдилар ва охирида «газетада яхши мақолалар бор экан. Бундан кейин газетани олиб турамиз, сешанба куни чиқар экан», деб мени хурсанд қилдилар. Мен уларга газета ва унда ишловчилар ҳақида билганимча маълумот бердим, олиб ўқиб туришга рағбатлантирдим. Шерикларим хурсанд бўлиб «бундан кейин «Миллий тикланиш» газетасини ҳеч қолдирмай олиб ўқиб турамиз, мақолаларга эътибор қаратиб, синчиклаб ўқиб борамиз» деди. Мен «Сиз — ўзбек тили қоидалари ва адабиёт ўқитувчиси. Тилнинг софлиги ва ривожига катта аҳамият бериб боришингиз керак. Ўз сўзларингизда ҳам шунга эътибор бериб сўзлашингиз лозим. «Эътибор қаратиш» ўзбек сўзи эмас, эътибор қаратилмайди, берилади. Бу руслардаги «обратите внимание» сўзини шундай таржима қилиб қўллай бошлангани, бу нотўғри. Ўзбек тилини билмаслик. Бундай ҳоллар ҳозирча кўп. Айниқса бундай тилимизга қовушмаган иборалар радио орқали таралади. Тилга эътибор, элга эътибор деган ибора бор. Ўз ватанимиз ва ўз халқимизни ҳурматлаш инсоний бурчимиз. Мен ззмалик бўлиб туюлса ҳам, яна шуни ҳам қўшимча қилдим. Ҳар доим эсда тутиш керак. Улар фикримга қўшилдилар. «Сиз адабиёт соҳасидаги маданий кишиларсиз. Ҳар бир сўз ва муомалангизда бошқаларга ўрнак бўлишингиз керак. Адабиёт, фикримча китоб билан эмас, қалбга талқин билан англатилади, яъни сўз, муомалангиз ёқимли, жозибали бўлса, ўқувчиларингиз қалбига чуқурроқ кириб борасиз ва равшанроқ чироқ ёқасиз. Мен буни бошимдан кўп кечирганман», деб сўзимни тугатдим. Ўқитувчи дўстларим бунга қўшилишди.

**Қодир НОРХЎЖАЕВ, профессор.**

# ЖАНОБ КЛИНТОН ЯНГИ ҚОНУНГА ИМЗО ЧЕКДИ

Октябр ойининг охирги кунлари АҚШ президенти жаноб Клинтон Вакиллар палатаси томонидан тақдим қилинган «Хорижий мамлакатларда виждон эркинлиги ҳақида» деб аталган янги қонунга қўл қўйди. Қонун бутун дунёда динларга эркин эътиқод қилишни қўллаб-қувватлашни кўзда тутади.

Шу муносабат билан президент Клинтон қуйидаги сўзларни айтди:

— Менинг маъмуриятим бутун дунёда виждон эркинлигини қўллаб-қувватлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Қўшма Штатлар асосини ташкил этувчи энг муҳим принциплардан бири динларга эркин эътиқод қилиш ва динга эътиқод қилиш ихтиёрийлигини ҳурмат-эътиборда тутишдадир. Менинг маъмуриятим виждон эркинлигини АҚШ ташқи сиёсатининг марказий нуқталаридан бири деб қарайди. Виждон эркинлигини қўллар эканмиз, биз бу билан фикрларни ифодалаш эркинлиги, виждон эркинлиги ва шунингдек, йиғинлар эркинлиги каби инсон ҳуқуқларини назарда тутамиз. Бу қонун биронта бир муайян мамлакат ёки динга қарши қаратилган эмас. Аксинча, у мусулмонми, насронийми, исовийми, буддоий, ҳиндими, даосми ё бошқа эътиқодлар эгасими, хуллас, қайси динга мансублигидан қатъий назар, виждон эркинлигини қўллаб-қувватлашни назарда тутади. Бизнинг қўллаб-қувватлашимиз ҳукуматимизнинг дипломатик хатти-ҳаракатлари воситасида амалга оширилади. Бу виждон эркинлиги масаласини энг олий даражада кўтариш ва қўйишни мўлжаллаганмиз.

*Ўзликни англаш*

# ҚАЛБИМДАГИ ЭНГ АЗИЗ ҲИЛҚАТ

Илк бора ҳижроннинг аччиқ бўйини туйдим. Туғилиб ўсган жойимни соғинганлигимни англаб етдим. Етдиму, ушбу сатрлар бирин-кетин қоғозга тўкила бошлади...

**Ватанни сев, тупроғини ўп,**
**Ҳар қаричи муқаддас бизга.**
**Чўлидаги ҳатто қуруқ чўп**
**Жондан азиз юрагимизга. —**
деган эди Ойбек.

Ҳа, Ватан сўзи — бу пурмаъно ва дилларни титратгувчи сўз! Ватан бу — дилнинг хотиржамлиги, кўнгил қувончи, ҳар нарсадан азиз ва лазиз ҳилқат! Ватан — бу сенинг ва менинг қалб уйимнинг тўрида.

У сенинг ота-боболар панжаси қолган уйингу, тўптош ўйнаётган жамалаксоч қизчалар, берилиб варрак учираётган болалару, оналарнинг мунгли алласи, аждодлар тарихи битилган китоблар, бор бўй-басти билан кўрмоқчи бўлсанг, бошингдаги дўппинг тушадиган даражадаги азим ва улуғвор миноралар, ҳар битта япроғи ҳар битта жонзотда мужассам.

Ватан...

Нега бу сўзнинг асл маъноси фақат ундан айро тушгандагина англашилади? Нечун не-не буюк инсонлар ҳам унга талпиниб яшайдилар, уни асарларида тараннум этадилар? Нега? Чунки у муқаддас замин, барча учун иккинчи онадир. Фақат она-юрт бағридагина инсон ўзини хотиржам сезиши мумкин холос. Шунинг учун бўлса керак, халқимизнинг асл фарзандлари бўлмиш Бобур, Фурқат, Зебуннисолар унинг висолига етишни бутун умр орзу қилганлар. Ва айни худди шу соғинч ҳисси уларнинг асарларига юксак жозиба ва руҳ бахш этган. Фарғона водийсидан — она диёрдан келтирилган қовун ана шу соғинчни янада алангалатган ва ҳис-туйғулар Бобур кўз ёшларига айланиб, шоир юзларини оташдек куйдирган. Уларнинг ҳаётлари бутун умр азобда ўтди, чунки ватансиз бахт ҳам кемтикдир. Бу муқаддас заминга бағишланган мисралар Фурқат бўғзидан ҳам фиғон бўлиб отилади ва улар замин узра хитоб каби ёйилади:

**Мен ватандан кетмаганман,**
**Айри тушганман холос,**
**Ажрагандек сув кечарда**
**Бир нафас тандин либос.**
**Ўксиб-ўксиб йиғладим мен**
**Мисли тил билмас гўдак,**
**Онаизор кўкрагидан**
**Айрилиб қолган бехос.**

Тақдир инсон бошига ватандан ажралиш кунини солар экан, у бу азиз тупроқни кўзига суртади, унга таъзим бажо айлайди. Бу гўё уни вояга етказган, ўзи емай едирган, ўзи ичмай ичирган она зотига фарзанднинг буюк эҳтиромига ўхшаб кетади. Бундай дақиқаларда инсон шу билан кифояланиб қолмайди, энди у кафтига тупроқ солиб, уни ўз бағрида ола кетади. Лекин ўзга юртларда қанчалик фаровон ҳаёт кечирмасин, орзуларининг барчасига эришган бўлмасин, барибир бир соғинч уни аёвсиз кемираверади. Чунки ҳар дақиқада кўз олдида олис Ватан сиймоси жилоланиб, ўзи томон чорлайверади.

Бир ғаройиб афсона бор: мўғул хонларидан бири Кавказнинг сўлим масканига ўрнашиб, кечаю кундуз кайфу сафога берилади. У бошқарган мамлакат ишлари издан чиқади, сарҳадларда ғаним навкарлари пайдо бўлади. Аммо хон ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмайди, ҳавойи нафсга берилишнинг охири бахайр бўлмаслигини айтишга эса бировнинг юраги бетламайди. Шунда мункиллаб қолган бир донишманд ғофил хон ҳузурига чопар юбориш кераклигини ва у хонга даштда ўсиб турган ёвшанни олиб бориш зарурлигини айтади. Шундай қиладилар. Ёвшанни қўлига олган хон бирдан йиғлаб юборади. Чунки оддий гиёҳ унга Ватанни - она қучоғидек муқаддас даштини эсга солган эди. Балки биргина гиёҳ унга кенгликларда ер гурсиллатиб, тупроқ чангитиб чопаётган отлар суруви онасининг меҳр тўла кўзлари билан унга қимиз тутишлари, отасининг тева устига мингазиб сайр эткезганлари, ойнадай соф болалиги эсга тушган бўлса, сап-сариқ бўлиб товланган чўл ҳидини туйган бўлса не ажаб?! Йигит бўлиб беомон улоқда от сурганлари, кўпирган қонла қизларни қувалаганлари, илк ғалаба сururидан маст бўлишлари хотирасида бир муддат жонланиб, кўз ёшига айланган бўлса-чи? Яна чарм ковушига қум тўлдириб, оёқлари куйган ҳолда киндик қони тўкилган жойни бир кезиб чиқишни қўмсаган бўлса-чи! Бир пайтлар тўйиб-тўйиб нафас олган ватан ҳавоси айни шу дақиқада юрагининг туб-тубидан юзага чиқишни, бу танни тарк этишни истаган бўлса-чи? Ва у ёш ҳолида ўз умидига эришган бўлса не ажаб?!

Ҳа, ҳар бир инсон учун ўз юрти муқаддас, ўз юрти азиздир У хоҳ чўлда, хоҳ тоғларда, хоҳ кенгликларда яшамасин, барибир шу ватан унинг учун ҳамма ерлардан аълодир. Аммо шу ерда бир савол туғилади: Ватанни севишнинг ўзи кифоямикин? Уни севмоқ замирида юртнинг кеча, бугун ва эртасига қизиқиш, уни ҳимоя қилиш, ардоқлаш ётмаганмикин? Далайламанинг бир ҳикмати мавжуд: «Агар оддий одам ўз келиб чиқишини билмаса, у ўрмонда адашган маймунга ўхшайди; агар у ўз уруғ-аймоғини билмаса, ферузадан ясалган аждаҳо билан баробардир; агар у аждодлар ҳақида ҳикоя қилувчи битикларни ўқий олмаса, у йўқолган ва йўлидан адашиб кетган болакайнинг ўзидир».

Ўйлаб кўрайлик-чи, биз ҳам худди шу аҳволга тушиб қолмаяпмизми? Ота-боболаримиз тарихи ҳақида тўла маълумот ола билдикми? Ва бу тарихни ҳеч бир бузиб-нетмай, юзига қоралар чапламай, келгуси авлодларга етказиб бера оламизми? Бундай саволларнинг чеки, чегараси йўқ.

Халқ кечмиши тарих китобларининг сарғайган, ёзувлари ўнгиб кетган саҳифаларида мужассам. Демак келажак ҳам худди шу китобларнинг хулосасига таяниб иш кўрмоғи зарурдир. Ҳолбуки, шундай экан, токи дунёда ВАТАН деган теран тушунча бор экан, қадриятларни англамоқ, ҳеч бўлмаганда англашга интилмоқ керак. Зеро, бу сўз биз учун ҳар қачон шукуҳли ва лазиз бўлиб қолаверади.

**Нилуфар МЎМИНОВА,**
**ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва Адабиёт институти аспиранти**

*Амалиётимиз майдонлари*

# ЖУРНАЛИСТ ЖАСОРАТГА ТАЙЁРМИ?

Истиқлолга эришгач, эркинлик дарвозалари барча учун баробар очилди. Илгари бу дарвоза ёнида етти ёт бегона бўлган босқинчилар қутурган итлардек ириллаб ётарди. Уларга яқин йўлаган ёки ичкарига кирмоқчи бўлган юрт кишиси борки, қўрқинчли ҳамлага учраши аниқ эди. Энди ўша ҳамлабозлар хом суягини топди. Энди бу дарвозадан ватаннинг ҳар бир кишиси қўрқмасдан ичкарига кириши, эркин-эркин нафас олиб яшаши мумкин.

Халқимиз катта ишонч билдириб «тўртинчи ҳокимият» вакили деб атаётган журналистлар, хусусан, матбуот фидойилари янги оламда яшаш бахтига муяссар бўлишмоқда. Гарчи эркинлик манзилига етишиш игна билан қудуқ қазишдан кўра мушкул кечаётган бўлса-да, бугун ўша чекилган машаққатлар эвазига эркин фикрлаш бахтига муяссар бўлишмоқда.

Тангри инъом этган бебиёс бойлик — саломатлик ва некбинлик бор экан, бу ёруғ оламда кўкрак тўлдириб нафас олиб яшаймиз. Тасаввур қилинг, биз ютаётган ҳаво ўпкамизга сиғмай чуқур ва эркин нафас ололмаймиз. Кўз олдимиз қоронғилашиб диққинафас бўлиб кетамиз. Бундай ҳолда биз носоғлом-тиббий ёрдамга муҳтож бемормиз. Бемор одамнинг шарафли ҳамда масъулиятли ишларни бажаришга қурби етмайди, онги эса фикрлашга ожизлик қилади. Юрак қурғур жиддий муаммолар билан курашишга дов бермайди. Жамиятдаги бундай кишиларни тушуниш мумкин. Сабаби бемор ўзи истамаган ҳолда ожизликка, қувватсизликка дучор бўлади. Аммо маънавий ожиз кишини бундай беморлар қаторига қўшиб бўладими? Инсоннинг юксак маънавиятли бўлиб камол топиши ўз зиммасига юклатилган. Бу нарса унинг ўз хоҳиш-истагига боғлиқ.

Бугунги ўзбек матбуотига эътибор қаратсак, журналистнинг хоҳиш-истаги, мақсад-йўналиши нимадан иборатлиги ва у қай томонга қараб кетаётганлигини яққол кўрамиз. Дейлик, журналист қадам қўйган бошланғич нуқта билан манзил орасида узун, ингичка кўприк, тубида эса жарлик мавжуд. Мана шу кўприкни забт этадиган серқирра ва ақлли журналист бўлиш учун нима қилиш керак? Яна бир савол туғилади: кейинги етти йилликнинг матбуотчилари қандай мақсад ва қандай қурол билан майдонга чиқишди? Уларнинг олдида тўғаноқ бўлиб турган ҳодисалар нималардан иборат?

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев «Нимадан бошламоқ керак?» сарлавҳали мақоласида биз излаётган бақувват фикрли, теран мушоҳадали журналистларни таҳририятларга етказиш билан Тошкент Давлат университетининг журналистика факултети шуғулланиши керак деб таъкидлайди. Мақолада факултетга талабалар ижодий кўрикдан ўтмай, фақат тест синовидан муваффақиятли ўтиб қабул қилинаётгани ва бунинг ўз кемтик жиҳати йўқ эмаслигини қайд этади. Эслатиб ўтмоқчиманки, бу масала хусусида факултетнинг бир қанча йиғинларида талабалар томонидан ижодий кўрикнинг ғоятда муҳим эканлигини қўллаб-қувватловчи фикрлар билдирилган. Афсуски, эски ҳаммом, эски тос дегандай гап ҳозирча ўз ўрнида турибди. Бу дегани: журналистика факултетида камчилик ва муаммолар «гуллаб яшнайверади». Устига устак факултет раҳбарлари парокандаликка учраётир. Икки йил ичида кетма-кет учта раҳбарнинг қўнимсиз алмашгани муаммо қанчалар жиддий ва осон эмаслигини эслатиб туради. Ажаб, журналистика факултетини юксак замонавий даражада бошқара оладиган раҳбар ҳали она қорнидан туғилмаганми? Сарбон қаёққа юрса, карвон ҳам шу ёққа юради деган нақл бор. Ваҳоланки, раҳбарнинг тажрибаси фермернинг сигири бир кунда неча литр сут беришини айта олиш қобилияти билан баробар бўлиши ҳам мумкин.

Билишимизча, факултетнинг кейинги декани зарурий ва масъулиятли ишларни етарли эплай олмагани учун ўз вазифасидан кетган. Ўйлаб кўринг-а, бир неча соатлаб дарсларни бемалол қолдираверадиган, тестдан ўтган бўлса ҳам, ўқишга иштиёқсизлик билан келиб-кетадиган талабалар билан ишлаш осонми? Хўш, унда талабалардаги мана шу эътиборсизлик, иштиёқсизликнинг ўзининг илдизи қаерда? Факултетга ҳақиқий масъул, фидокор журналист бўлиш учун эмас, нима бўлмасин номдорроқ ўқишга жойлашиш учун кирган тараллабедодчиларнинг кайфиятлари анча эскидан келаётган оғир асорат эмасмикин? Бу хилдаги талабалар эртага таҳририят курсисига ўтириб, ишларни дўндириб юборади, деб ким ишонади? Унда журналистика соҳасини кимлар тўлдиради? Кимлар бу масъулиятли вазифаларни адо этади? Навбатдаги муаммолар эса ўз-ўзидан жиддийлашиб, янада оғирлашиб боради. Замонбоп, кучли журналистлар етиштириш энг жиддий муаммо. Газеталар муҳаррирларининг таҳририятларда кўпгина журналистлар кўчманчи бўлиб қолишган, уларнинг бу оёғи бу таҳририятда, у оёғи у таҳририятда қабилидаги танқидлари баъзида қулоққа чалиниб туради. Хўш бунинг сабаби нимада? Нима учун журналист бир жойдан қўним топмайди? Таҳририятнинг иқтисодий шароити мажбур қиляптими? Ёки бошқа бир носозликларми? Кунда бўлмаса-да ойда янги бир газета нашр этилиши анъанага айланмоқда. Қизиқ, шунча газеталарни саноқли журналистлар чиқаряптими? Газетхонлар-ку кўпайяпти. Лекин журналистларнинг сони, савияси, даражаси шунга ярашами? Афтидан унчалик эмасга ўхшайди. Газеталарнинг оммавий мулоқоти суст ва заиф. Чунки шу мулоқотни кучайтирадиган журналистларнинг ўзи озчилик. Қачон ўзбекистонлик газета мухбири хориж билан тиллаша оларкин? Савол бериш осон, жавоб эса мураккаб. Ўтиш даврида, хусусан, мухбирлар, журналистлар, газетчилардан айнан шундай мураккаб саволларга жавоб излаш талаб қилинади. Ахир ҳеч ким бизга муаммо ва камчиликларимиз калитини қўш-қўллаб тутқазмайди. Хатони ўзимиздан излайлик. Маҳсулини халқ билан бирга баҳам кўрайлик.

Президентимиз Самарқанд вилоятида ўтган йиғинда нега матбуотимиз, журналистлар оёғи ердан узилган, ғайриқонуний ишлар қилишдан тап тортмай қўйган мансабдорлар билан тик, юзма-юз гаплашмайдилар? Нима халақит беради? Нимадан қўрқади? Жасоратли журналистлар ва айниқса, ёшлар майдонга чиқсин! — деб даъват этди.

Бунинг учун эса катта журъат керак. Журъатнинг ўзигина етмайди. Ҳаётий масалаларнинг эгаси ҳам бўлиши керак.

**Тоҳир ШОМУРОДОВ, «МТ» мухбири.**

